Шахрисабз туманидаги туманлараро Сандал каналининг Қашқадарёдан ўтган дюкерни рекострукция қилиш объектига

А Н Н О Т А Ц И Я

Асос: Вилоят сув хўжалиги кенгаши таклифи

Объект бўйича қисқача маълумот:

Дюкерни қурилиш лойиҳаси 1973 йилда қуйидаги асосий кўрсатгичлар билан тасдиқланган: максимал сув сарфи - 40 м3/с, баландлиги - 4,3 метр, эни - 3,5 метр, 1 қатор куйма темир-бетондан

Мавжуд муаммолар: 45 йил олдин Қашқадарё ва Танхоздарёларнинг қўшилиши қисмидан 7-8 км пастдда дарё тубидан руда бўлмаган қурилиш материаллари карьери ишлари бошланган. Грунт земснарядлар ва ер қазийдиган механизмлар билан ишланган. Ўтган давр ичида дюкер қурилгандан кейин кум-шағал карьеридан доимий қазиб олиниши натижасида дарё ўзани режими жиддий равишда ўзгарди ва ўзан вазияти Сандал дюкери пастки қисмида ҳам. Бундан ташқари Ҳисорак сув омбори қурилиши оқибатида Қашқадарёнинг қаттиқ жисмлар табиий тартиби бузилди. Юқорида санаб ўтилганлар барчаси Сандал дюкери орқасида дарё тубини 6-7м пасайишига олиб келди.

Ҳозирги даврда дюкерни пастки бъефдаги тик деворини ярми очиб қолган, чап томондаги бетон откоси 10-12м масофада ювилиб кетган. Юқорида баён этилган далиллар дюкердан пастки участкада Қашқадарё ўзанини кескин стабиллаштириш зарурияти пайдо бўлди.

Муаммоларни бартараф этиш учун бажарилиши зарур бўлган ишлар :

- қазилма -35 640 м³.
- кўтарма ва қайта кўмиш -1600 м³.
- бетон ва темир-бетон -5585 м³.
- арматура -55,8 тн
- тош ташлаш -1800 м³.

Талаб этиладиган маблағ – **9 900 млн.сўм**

Натижадорлиги:

Лойихада белгиланган ишлар тўлиқ амалга оширилгандан сўнг Чироқчи туманидаги 26 та фермер хўжаликларининг жами 17650 гектарига мева сабзавотлар экин майдонини сув билан таъминлайди. Суғориладиган майдонларни сув таъминоти кафолатланади ҳамда пахта, ғалла ва бошқа экинлардан олинадиган ҳосилдорлик ошишига замин яратилади.

Шунингдек, Чироқчи тумани фермерлар кенгаши уюшмаси томонидан экспортбоп маҳсулотлар, яъни дуккакли экинлар, сабзовот, полиз, экинлар ва кўкатлар экилиши натижасида маҳсулотлар экспорт қилишга эришилади ва қишлоқ аҳолисидан қўшимча янги иш ўринлари яратилади, пахта ва ғалла бўйича давлат режасини бажарилишига эришилади.

Эски –Анхор ирригация тизими

Бошкармаси бошлоги: **Т. Астанаев**